



**Подшоҳлар томонидан Аллоҳ таоло неъматлари
қадрини билиш ҳақида**



Билишлари уларнинг халкка киладиган хайру эхсон ва адолатларидан маълум бўлади. Агарда халк дуолари эзгулик билан кўшилса, мулк мустаҳкам бўлиб, кун сайин кучга тўлади, шу мулк ўз давлат ва тинчлигидан баҳраманд бўлади, бу оламда .яхши ном ва у дунёда раҳм-шафкат насиб килади Дин улуглари айтганларки, «Ал мулку ябқа маъал-куффри ва ло ябқа маъаз-зулми». Маъноси шуки, «Мулк куфр ила мавжуд «бўлиши мумкин, зулм билан эса барбодликка маҳкумдир.

Хикоят

Ахборда шундай келтирилганки, Юсуф алайхиссалом оламдан ўтибди, уни Иброҳим салавотуллоху алайх олдида, яъни бобо ва аждодлари якинида дафн килмокчи бўлибдилар. :Жаброил алайхиссалом келиб айтибди Шу ерда тўхтанглар, бу жой унинг жойи эмас, бир мулкнинг» «жавобини киёматда бериши керак.

Юсуф пайгамбарнинг ахволи шундай бўлса, кўрингки, бошқаларнинг ахволи нима бўлади?

Пайгамбар саллаллохи алайхи васаллам хабарида бордирки, киёмат кунида кимки бирор халкка бошлик бўлиб, фармон берувчи бўлса, кўлларини боглаб олиб келар эканлар. Одил бўлган бўлса, кўллари адлу инсофидан очилиб, жаннатга олиб борар эканлар. Агарда золим бўлган бўлса, шу боғланган кўллари билан дўзахга ташлар эканлар. Яна хадисларда айтилишича, киёмат куни фармон берувчи киши ўз кўли остида бўлган одамлар жавобини беради ва кўйлар жавобини берган чўпонга ўхшайди.

Хикоят

Шундай маънода Абдуллоҳ ибн Умар ал-Хаттоб ўз отасига айтган экан:

Эй ота, оламдан ўтсанг, сени тезроқ иккинчи ё учинчи-кечада тушимда кўришни истайман.

Орада ўн икки йил ўтиб ҳам уни тушида кўрмабди. Ун икки йилдан кейин тушига отаси кирибди. Тушида ўгли ундан сўрабди.

Ота, сен менга уч кечадан кейин тушингга кираман, деган -эдинг-ку?

Отаси жавоб берибди:

Нахарвонда бир кўприк бузилган экан ва хизматчилар уни тузатмаган эканлар. Кўйлар шу кўприкдан ўтаётган вақтда бир кўйнинг оёғи тешикка тушиб синибди. Хозиргача шунинг жавобини бердим.

Хакикатан, подшоҳи олам биладики, шу буюк кун - киёматда унинг кўл остида бўлган халойик жавобини ундан сўрайдилар. Агарда бошқа кишига хавола этилса, қабул қилмайдилар. Шундай экан, бу мулк муҳимотини ҳеч кимга топшириш ва халойик ишларидан гофил қолиш ҳам керак эмас. Шох кўлидан қелганича яширинча ва ошқора тарзда халқ аҳолидан хабардор бўлиши шарт. Бедодликка йўл бермай, золимлар зулмидан аҳолини қутқариши керак. Шу ишларининг баракаси унинг давлатига тегиб, халқ уни дуо қилади, киёматгача унинг номига дуойи хайр юборадилар. Унинг номи аъмолида эса буюк савоблар ёзилган бўлади.